


Худойкулов Х. Ж. Хурвалиева Т. Л.
Жуманова Ф. У.

ПЕДАГОГИК МОДУЛИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш



Тошкент- 2019 йил

Книга должна быть
"возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

23.05.22
10.09.22

в.д.к.

срочен

сен-

исчисл.

в.д.к.

и

с.с.с.

826

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Худойкулов Х. Ж. Хурвалиева Т. Л. Жуманова Ф. У.

Хурвалиева

ПЕДАГОГИК МОДУЛИ
ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

Тошкент - 2019 йил

УДК: 404.20.4.

ББК:21.1.(4.9)

X-24

Ушбу "Педагогик модули ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш" номли услубий қўлланмада таълим йўналишида ишлайдиган барча профессор-ўқитувчилар ва умумтаълим мактабларида ишловчи ўқитувчилар, ҳамда малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун дарс берувчи мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, унда бутунги кун таълим соҳасидаги инновацион технологиялар ҳақида умумий маълумотлар беради.

Маъсул муҳаррир: Маҳмудов Ю. Ғ.

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Мардонов

Педагогика фанлари доктори, профессор Н.Ж.Исакулова

Педагогика фанлари доктори, профессор З.Қ.Исмаилова

Тошкент вилоят, Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2019йил 30 январь куниндаги 9-сонли мажлис байёномаси қарори билан кўриб чиқилди ва нашр этишга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. "ПЕДАГОГИКА" ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	8
1.1. "Педагогика" фани таракқиётининг йўналишлари.....	6
1.2. "Педагогика" фанини ўқитишдаги инновациялар ва илгор хорижий тажрибалар.....	12
II БОБ. "ПЕДАГОГИКА" ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ.....	19
2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи.....	19
2.2. Маъруза матнлари (намуналар).....	23
2.3. Фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.....	41
2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар.....	64
2.5. Фан мавзулари юзасидан тақдимотлар.....	70
Хулоса ва тавсиялар.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81
Иловалар.....	82

УДК: 404.20.4.

ББК:21.1.(4.9)

X-24

Ушбу “Педагогик модули ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш” номли услубий қўлланмада таълим йўналишида ишлайдиган барча профессор-ўқитувчилар ва умумтаълим мактабларида ишловчи ўқитувчилар, ҳамда малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун дарс берувчи мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, унда бутунги кун таълим соҳасидаги инновацион технологиялар ҳақида умумий маълумотлар беради.

Маъсул муҳаррир: Махмудов Ю. Ғ.

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Мардонов

Педагогика фанлари доктори, профессор Н.Ж.Исакулова

Педагогика фанлари доктори, профессор З.Қ.Исмаилова

Тошкент вилоят, Чирчиқ давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2019йил 30 январь куниндаги 9-сонли мажлис байённомаси қарори билан кўриб чиқилди ва нашр этишга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. “ПЕДАГОГИКА” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	8
1.1. “Педагогика” фани таракқиётининг йўналишлари.....	6
1.2. “Педагогика” фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар.....	12
II БОБ. “ПЕДАГОГИКА” ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ	19
2.1. Ўқув фани дастурининг қисқача тавсифи.....	19
2.2. Маъруза матнлари (намуналар).....	23
2.3. Фан юзасидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.....	41
2.4. Назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўрсатмалар.....	64
2.5. Фан мавзулари юзасидан тақдимотлар.....	70
Хулоса ва тавсиялар	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	81
Иловалар	82

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий истиқлол ривожланиш йўлини белгилаб олди. Ўзига хос ривожланиш йўлини танлаш орқали жамият тараққиётини таъминлашда унинг яратувчиси бўлган ёш авлодни ҳар томонлама камол етказиш муҳим эканлиги тўғрисидаги ҳулосага келинди. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшлар Ўттифоқини” ташкил этиши унга бўлган эътибор шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Шуни унитмаслик керакки, ҳар бир давлатнинг истиқболи, халқининг фаровонлиги, осойишта ҳаёт кечирishi ёшларда маънавий комил инсон фазилятлари шакллантириш кўп жиҳатданёш авлодга, умидли ўғил-қизларимизга боғлиқ, чунки эртанги кунимиз уларнинг қўлидадир.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси “Ёшлар иттифоқи” ташкилотини қайта тиклар экан, уни жамиятнинг етакчи кучига айлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтадилар. Ўзбекистон келажаги буюк деган ғояга амал қилиб, бутун эътиборни ёшларга қаратиб, фарзандларимиз бизлардан кўра билимли, бахтли, кучли, ақл-заковатли, ор-номусли ва ғурурли бўлишни қайта-қайта таъкидлаб ўтмоқдалар. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлган “БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини” ишлаб чиқишни таъкид этади. Бу билан ёшларга бўлган ишонч ва эътиборни янада кучли эканлигини кўрсатиб ўтадилар. Бу ёш авлодга ўз элига, халқига, юртига нисбатан кучли ғурур, ор-номус ва одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишни асосий мақсад қилиб қўймоқда. Бу борада “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ёшлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтар эканмиз, келажақ авлод бугунги таълим-тарбиянинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда билим олиши, ҳар томонлама камолга етиши лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ишлари сурилган ғояларнинг тўлақонли амалиётга таъбиқ этилиши ниҳоятда муҳимдир.

Ҳар бир давлат илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиётидан фойдаланиб, ундан таълим-тарбия йўналишида кенг фойдалана олсагина, замонавий жамият сифатида ирраққий эга олади. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характери жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали таъбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш ўз навбатида кенг имкониятларига эга, ўз соҳасининг билимдони бўлган, юқори даражада касбий малакаларни эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларни бўлишни тақозо этади.

Замонавий шароитда жамият олдига турган энг муҳим ижтимоий мақсад — биркамол инсон ва малакали мутахассисни муваффақиятли тайёрлай олиш учун таълимнинг янги модуллари яратилмоқда. Унинг назарий асослари илмий-амалий жиҳатдан кўрсатиб берилмоқда. Шу билан “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, ўқув-тарбиявий жараёни инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самардорлигини ошириш зарурлиги педагогик туркум фанлар олдига турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

ОТМда ўқитиладиган педагогик туркум фанлар ёки ўқув модуллари мазмунини ҳам мавжуд ҳуқуқий-меъёрий асослари, қонунчилик талаблари, илгор таълим технологиялари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш асосида бўлажақ ўқитувчиларни илмий ва амалий тадқиқотлар, педагогик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг

замонавий услубларига оид сўнгги ютуқлар билан таништириш таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мавжуд глобаллашув шароитида анъанавий ўқитишнинг аҳамияти бироз пасайди, талабанинг суст тингловчи сифатида тайёр билимларни қабул қилиши қутилган натижани бермай қолди. Зеро, илм-фан, техника тараққиёти жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларни кескин ошиб бориши, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш ҳозирги давр ўқитувчисида илмий салоҳият, малака ва юқори даражада педагогик маҳоратни талаб қилмоқда. Шу боис айтиш вақтда инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётта тадбиқ этиш долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда.

Мавзунинг мақсади: "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Мавзунинг аниқфалари:

1. "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг таълимий имкониятларини ўрганиш.

2. "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самарали йўллари аниқлаш.

3. "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишга самарали таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.

Мавзунинг предмети: "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг устувор тамойиллари, муҳим назарий ва амалий тавсифи.

Мавзунинг объекти: "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёни.

Мавзунинг амалий аҳамияти. "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш қўйидаги масалаларни ижобий ҳал қилиш имконини беради.

1. "Педагогик модулини" ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида талабаларнинг ўқув фаоллигини кучайтириш.

2. Уларда касбий-педагогик фанлари асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёж на қизиқишни кучайтириш.

3. Талабаларни инновацион таълим технологиялари борасидаги билимларини бойитиш ва мустахкамлаш.

4. Уларда касбий-педагогик фаолиятни инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш қўникма ва малакаларни шакллантириш.

1 БОБ. “ПЕДАГОГИКА” ФАНИНИ ҲҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ

МАСАЛАЛАРИ

1.1. “Педагогика” фани таракқийнинг устувор йўналишлари

Бугунги кунда Педагогика фанининг таракқийни бевосита инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш даврининг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш юқори савияда ўқитишни таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим дастурлари асосида тайёрлашдан иборат.

Инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш объекти – барча узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари бўлиб, унда амалга оширилаётган асосий таълим-тарбия жараёнлари ҳисобланади. Таълим муассаси ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга таълим олиш ширитлари ва имкониятларини яратади. Талабаларнинг билимга эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бўлиши ўқитувчи фаолиятини ва масъулиятини оширади.

Дуғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик қиритиш” деган маънони англатади. Мазмунан эса тушунча негизда “инновация” тушунчаси муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолиятни ифодалайди.

Инновацияларнинг асосий кўринишлари қуйидагилар саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари.

Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани қафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рэм клуби” да қўлланилган.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар:

1. **Фаолият йўналишига кўра:** педагогик жараёнда ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.

2. **Қиритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра:** радикал, модернизацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар.

3. **Ўзгаришларнинг кўламига кўра:** тармоқ (локаль), модул ва тизим инновациялари.

4. **Қилиб чиқиш манбаига кўра:** жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўқитирилган инновациялар.

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда ширинланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади бўлишиди. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Бирча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгилик)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал бўлишув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у ҳолда у **инновация (янгилик қиритиш)** деб аталади.

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади;	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади;
2) кўлам ва вақт бўйича лойиҳаланди;	2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини

чегараланади; 3) методлар янгиланади; натижа аввалги тизимчи такомиллаштиради	3) субъектларнинг янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади
--	--

Таълим инновационлари қуйидаги ўзгаришларга олиб келади
(И.П.Подласый):

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

Инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш шахснинг таълим марказида бўлиши ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган, ўз соҳасидаги билимларни мустахкам эгаллашдан ташқари барча инновацион технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, уларни амалий фаолиятида қўлайдиган ҳамда биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчилари инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни билишлари лозим.

Шундан келиб чиқиб, инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти юқори бўлиб, таълим-тарбияни юқсалишида муҳим ўрин тутати. Ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнида албатта педагогик инновацион, ахборот информაციон, муаммоли таълим, интерфаол ва масофавий таълим технологияларидан фойдаланиши

билан бирга, талабаларнинг ҳам фаоллигини оширадиган амалий аҳамиятга эга бўлган ўйин технологияларини қўллаш олсин.

Мисалан: "Ақлий ҳужум", "Тармоқлар" ("Кластер"), "Бумеранг", "Иқтидорлик", "Резюме", "Балик склети" ва бошқалар.

Бирчи педагог-ўқитувчилар ўз фаолиятларида қуйидаги инновацион технологияларни таълим жараёнида самарали қўлай олиш белгиларини нимасин эга олишлари лозим:

Ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик маънавларни шакллантириш;

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўнатирилган янги касбий тафаккурни шакллантириш;

Ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар инимини эгаллаш;

Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими инфоацион ўқитиш технологиясини эгаллаш.

Инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалий мангунотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий тинириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боглик янгилиги масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий мангунотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон таълим ресурсларидан, тархатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш амалий аҳамиятини мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти ингнжаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини "Электрон портфолио" тизимига киритиб бориши лозим. Зеро, шунда ишбилар инновацион таълим технологияларига оид назарий билимларни мустақил равишда ўқиб-ўрганиш имкониетига ҳам эга бўлади.

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган катор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади. У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараёни ташкил этишга ташкилий-технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобга ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишда педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди.

1.2. “Педагогика” фанини ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий

тажрибалар

Замонавий шароитда нафақат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ҳам инновацион характерга эга воситалардан фойдаланилмоқда. Айни ўринда ана шундай воситалардан иккитаси – ўқув портфолиоси ва “Ассесмент” технологияси тўғрисида тўхталиб ўтилади.

Сўнгги йилларда замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, ҳолис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, портфолиолар педагог ва талабаларга уларнинг шахси, фаолияти билан турли экспертиза (текширув)лар жараёнида комиссия аъзоларини билвосита танишиш имкониятини беради.

“Портфолио” инглизча сўз бўлиб, “портфел” ёки “портфеллар тўплами” маъносини англатиб, автобиографик характерга эга ҳужжатлар тўплами саналади. Ушбу тўплам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, қилинган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қилувчи индивидуал папка саналади. Умуман олганда, портфолио ҳар бир индивид ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиш ҳамда қобилиятларини ёритади. Бошқача айтишда, портфолио педагог ёки талаба учун ўзига хос реклама.

1. Ўқув портфолиоси. Бугунги кунда хорижий мамлакатлар таърибасида уни қўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси қуйидаги имкониятларга эгалитига кўра амалий аҳамият касб этади:

- кўп функциялиликлilik ва ўзининг шахсий муваффақиятини баҳолаш;
- индивидуал муваффақиятлар мониторингини амалга ошириш;
- имтиҳонни ташкил этиш;
- таълим натижаларини ҳолис белгилаш;
- таълимий муваффақиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш;
- талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш.

Моҳиятига кўра ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар:

1. Ҳужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимий муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар саналади).

2. Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, ийфончалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дефтерчаси, ижодий иш дафтари, электрон ҳужжатлар, моделлар, лойиҳалар, наъмоний, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, наърий наشرларнинг ксероносухалари, иллюстрациялар жой олади).

3. Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиога аҳо этган маълумотлар асосида “Энг яхши талабалар гуруҳи” танловини ташкил этиш мумкин).

4. Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кросвордлар ва бошқалар ўрин олади).

5. Такризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хулоса, тақриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади)

6. On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан:

- 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш;
- 2) шахсий веб-сайтларни яратиш;
- 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш).

Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қоғоз вариантларда яратилади. Қайси вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди.

Портфолиога талабанинг жорий, оралик ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга қўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўқув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб бораётгани тўғрисидаги далилий ҳужжат ҳисобланади. Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришяётган ютуқлари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратди ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. Талабага эса билим даражасининг қай даражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан

инкишор ривожланиш даражасини мустақил баҳолаш учун зарур шароитни яратиши

Талабалар қандай шароитларда портфолиоларни шакллантиришлари керак?

Қўйилган ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Истикболли иш ўрнига эга бўлишда (раҳбарият ва ҳамкасблар ёш мулкисис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар).

2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини имонлиштириш имкониятини таъминлайди).

3. Фан олимпиадаларда иштирок этишда (олимпиаданинг турли босқичларида таълимнинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга мувофақ бўлинади).

4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов қайлиш талабанинг имкониятларидан тўла хабардор бўлади).

5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шугулланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан таништириш имкониятини яратди).

Ўқув портфолиосини яратишга қаратилган амалий ҳаракат бир неча баққонли ташкил этилади. Яъни:

1-босқич. Талабаларга портфолионинг афзалликлари, уни яратишдан аҳолининг мақсад, портфолионинг турлари ҳақида маълумот берилади.

2-босқич. Талабалар портфолионинг тузилишига оид маълумотлар билан имонлиштирилади.

3-босқич. Амалий ҳаракатларни ташкил этиш асосида талабалар ўз портфолиоларини яратадилар.

Талабаларнинг портфолиолари қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- 1) титул;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсади;
- 4) портфолионинг бўлимлари.

Ўрнига кўра портфолиолар бир неча бўлимларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, “Ишлар портфолиоси” қуйидаги тўртта бўлимдан таркиб топади:

1. Менинг қиёфам (талабанинг шахсига оид маълумотлар талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалар асосида берилди; унда қуйидаги лавҳалар мавжуд: "Менинг анкетам"; "Танишинг - бу мен!"; "Менинг ўйларим"; - "Менинг қизиқишларим").

2. Коллатор (талаба томонидан мутахассислик фанлари бўйича тўплаган материаллар (адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксероноусхалари, курсдошларнинг ижодий ишлари) ўрин олади; бўлими қуйидаги лавҳалардан иборат бўлиши мумкин: "Иш столи"; "Бу қизиқ"; "Курсдошларим ижодидан"; портфолио-коллатор унча катта бўлмаган ўзига хос архив саналади).

3. Иш материаллари (талабанинг ўзи томонидан яратилган, тизимлаштирилган барча материаллар киритилади, бўлимининг лавҳалари қуйидагича бўлиши мумкин: "Ёзма ишлар", "Ижодий ишлар", "Тадқиқот тажрибалари", "Амалдор ишланмалари").

4. Шахсий ютуқлар (талабанинг ярим, бир ўқув йили ёки яхлит таълим даврида эришган ютуқлари, қўлга киритган натижалари акс этади; унда қуйидаги лавҳалар бўлиши мумкин: "Менинг бунёдкор ғоям"; "Менинг таълим борасидаги ташаббусларим").

"Ассесмент" инглизча сўз бўлиб, "баҳо", "баҳолаш" маъносини билдиради. Ассесмент технологияси талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини хар томонлама, ҳолис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами бўлиб, у биографик анкета, таълим соҳасидаги ютуқлар баёни, ўқув индивидуал топшириқ, баҳо-мунозара, интервью, ижодий иш, тест, индивидуал кейс, тақдимот, эксперт кузатиш, ролли ҳамда ишбилармонлиқ ўйинлари кабилардан ташкил топади. Технология, асосан, қуйидаги уч мақсадга хизмат қилади:

1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини хар томонлама, ҳолис баҳолаш;

2) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш имкониятларини аниқлаш;

1) талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга имконият қиладиган истиқболли режа (мақсадли дастур)ни шакллантириш.

Маъмур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40-йилларига қарши билади. Дастлаб технология мавжуд харбий вазиятларни тўғри баҳолаш имконияти, харбий харажатлар жараёнини самарали бошқариш, зарур ўқишларда оқилона харажатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис армиялари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли харбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали тағбиқ этилди. Технология биринчи марта 1944 йилда "AT&T" компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган. Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизда тадбиркорлар инжениерлар билан ҳамкорликда маъмур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, таълим, маънсий хизмат кўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати - "Ассесмент-марказ" ("The Assessment Centre")ни йўлга қўйилди.

1960 йилда "IBM", "Стандарт ойл оф Огайо", "Сирс Робакс" каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали тағбиқ этишлар агарда 1980 йилда 2000 та фирма "Ассесмент-марказ" асосида миллий мутахассисларни танлашни маъқул кўрган бўлса, айти вақтда бу технологияни ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида маъмур технология таълим тизимига ҳам қарши жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини даражаси хар томонлама, ҳолис баҳоланмоқда.

Айни вақтда республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари камида тўртта топшириқ бўйича баҳоланмоқда.

Маълумот:

Ишчи - афсис	Мунимоти	Вазият
Ижодий	Ижодий	Ижодий
TOSHKENT RESPUBLIKASI OLIN VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI SHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 17		

Шундай қилиб, замонавий шароитда Ўзбекистон узлуksиз таълим тизимиде хорижий мамлакатлар амалиётида фаол қўлланилаётган илгор педагогик технологияларни самарали қўллаш имконияти юзага келди. Ўқитувчининг инновацион фаолияти эса талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Қолаверса, ушбу фаолият таълим жараёнининг сифатини ҳам кафолатлайди. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур. Бунга эришилганда таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этиб, унинг ривож таъминланади.

II БОБ. ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ ИШЛАНМАСИ

2.1. “Педагогика” фанидан ўқув дастурининг қисқача тавсифи

Фанининг қисқача тавсифи			
Оқитувчи ном ва фамилияси:	Ўзбекистон миллий университети	Қори Нисези кўчаси, 39 уй.	
Информация:	Педагогика	“Иқтисодий фанлар” факультети таркибиде	
Таълим соҳаси ва специализацияси:	110000 – “Педагогика” таълим соҳаси	5650200-Касб-таълим (Гидромелиорация) 5650700-Касб-таълим (Гидротехника) иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш) 5140700-Касбий таълим (Ёр тузиш ва Ер кадастри)	
Фани (курси) о.либ бераётган ўқитувчи (профессор/доцент/асистент):	Ўқитувчи: П.ф.док., профессор Худойкулов Хол Жумаевич	e-mail: Hol@mail.uz	
Дарс вақти ва жойи:	А-бино, 211- аудитория Г-бино, 610- аудитория	Курснинг давомийлиги: 02.09.2015 - 20.02.2016, 01.02.2016 – 20.07.2016.	
Мазмун (қўл график рефератда шиллаш вақти):	Душанба, сешанба, пайшанба ва жума кушлари 8-30 дан 15.00 гача		
Фани а амрағилган соатлар:	Аудитория соатлари	Мустақил таълим:	48
Фанининг босқача билимлар билан айланиши (пререквизитлари):	Мазруа: 36 Семинар: 36	“Касбий педагогика”, “Муутахассислик фанларини ўқитиш методикаси”, “Педагогика. Песихология”, “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”	

Фанининг мазмуни

Фани ўқитишдан мақсад: “Педагогика. Песихология” фанининг ўқитишдан мақсад - талабаларни умумий, педагогик ва песихологик маданиятини олириш, инсон фаолияти ҳақида тасаввурни яқлит шакллантириш, шахс хатти харақатлари оқибатларини олдинда сезиш, мустақил ўқиш ва ўз имкониятларини айнан баҳолаш, мақсадга эриш йўллари топиш, шахс песихологияси, унинг фаолияти ва мулоқоти, песихик тараққийнинг қонуниятлари, шахсни этнопсихологик методлар ёрдамида ўрганишга доир педагогик БКМни шакллантириш

Фанининг вазифаси: – педагогика фани тараққийнинг асосий йўналишлари билан танилиш, маърифий (таълим, тарбия, шахс қамолоти ва маданиятини тавсифловчи) тушунчалар мажмуини ўзлаштириш, таълим тарбия методлари, шакллари ва воситалари ҳақида билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш. Шунингдек

инсон шахсини ривожланиши индивидуал психологик хусусиятлари қонуниятлари ва қиммат инсонни тарбиялашда ўнга таъсир этган методларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари ҳақидаги билимлар билан куллангирлиш вазифасини бажаради.

- ўқитувчи ва гуруҳдошларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;
- институт ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш;
- уяли телефонни дарс давомида ўчирish;
- берилган уй вазифаси ва мустақил иш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарish;
- кўчирмачилик (плагиат) қатъян ман этилади;
- дарсларга қатъиян мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайта ўланигирилиши шарт;
- дарсларга оқиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш;
- талаба ўқитувчидан сўн, дарс хонасига - мангулотт киритилмайди;
- талаба рейтинг баълидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 хун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиш мумкин

Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидати алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, **телефон орқали баҳо** маҳсулати муҳокама қилинмайди, **баҳолаш факатинна институт** ҳудудидан, ажратилган хоналарда ва дарс давомиди амалга оширилади. Электрон почтани очиб вақти соат 15:00 дан 20:00 гача

**“Педагогика. Психология” фанидан мавзулари
ва унга ажратилган саотлар тақсимооти:**

Мазмуни	Жами соат	Маъруза	Амалий ва семинар машғулот	Мустақил таълим
Иқтисодик фанни ўрганиш зарурияти	4	2	2	2
Миллий фидолик тарихияти ва уларнинг тарихияти	4	2	2	4
Миллий таълим-тарбия ва унинг моҳияти	4	2	2	2
Таълим методлари ва воситалари	4	2	2	4
Иқтисодик технологиялар	4	2	2	2
Иқтисодик мулоқот	4	2	2	2
Ўқув тарбиявий вазиятлари ойинида шугулланиш асослари	4	2	2	2
Иқтисодик неҳоят ва таълим сифатлари	4	2	2	2
Ўқувнинг иқтисодик хорижий мамлакатларда таълим иқтисодини таълим этилиши таъриқлари	4	2	2	4
Иқтисодик фаннинг предмети, мақсад, маънавлари ва илмий-таълим методлари	4	2	2	2
Шарҳ ва унинг фаолияти, фаолият турлари	4	2	2	2
Мулоқот ва муамало психологияси	4	2	2	2
Билиш жараёнилари	4	2	2	2
Шарҳнинг индивидуал психология ва ёшга боғлиқ хусусиятлари	4	2	2	4
Бонқарув психологияси.	4	2	2	2
Ўқувнинг иқтисодик фаолиятини таълим этиш	4	2	2	4
Оила психологияси	4	2	2	4
Меҳнат психологияси	4	2	2	2
Жами	120	36	36	48

Таъбабалар билиминини баҳолаш тизими:

Nazorat turlari	Ball	Nazorat mezonlari (ball hisobida)			
		0 - 54	55 - 70	71 - 85	86 - 100
JORIY NAZORAT	30	0-16,2	16,5-21,0	21,3-25,5	25,8-30,0
1-joriy nazorat (1-2-3 mavzular)	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
2-joriy nazorat (4-5-6 mavzular)	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
3-joriy nazorat (7-8 mavzular)	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
4-joriy nazorat (9-10 mavzular)	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
5-joriy nazorat (11-12-13 mavzular)	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
6-joriy nazorat (Mustaqil ta'lim va davomat bo'yicha)	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
ORALIQ NAZORAT	40	0,0 - 21,6	22,0 - 28,0	29,0 - 34,0	34,40 - 40,0
1-Oraliq nazorat	20	0,0 - 10,8	11,0 - 14,0	14,20 - 17,0	17,20 - 20,0
1-7 mavzular	15	0,0 - 8,10	8,25 - 10,50	10,65 - 12,75	12,90 - 15,0
Mustaqil ta'lim va davomat bo'yicha	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
2-Oraliq nazorat	20	0,0 - 10,8	11,00 - 14,0	14,20 - 17,0	17,20 - 20,0
7-13 mavzular	15	0,0 - 8,10	8,25 - 10,50	10,65 - 12,75	12,90 - 15,0
Mustaqil ta'lim va davomat bo'yicha	5	0,0 - 2,70	2,75 - 3,50	3,55 - 4,25	4,30 - 5,00
JORIY VA ORALIQ	70	0,0 - 38,0	39,0 - 49,0	50,0 - 59,0	60,0 - 70,0
YAKUNIY NAZORAT	30	0,0 - 16,2	16,5 - 21,0	21,3 - 25,5	25,8 - 30,0
UMUMIY BALL	100	0,0 - 54,0	55,0 - 70,0	71,0 - 85,0	86,0 - 100

Асосий адабиётлар:

1. "Педагогика". Ўқув қўлланма А.Мунавваров таҳрири остида. Т., Ўқитувчи, 1996.
2. Х.Ж. Худойкулов ва бошқалар Педагогика Психология. -Т.: Дзайин-Пресс. 2011й.
2. Н.Азизхўжаева. "Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат" Т., 2006.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбек педагогикаси анталогияси 1 жилд. Тузувчи муаллифлар: К.Хошимов, С.Очил - Т.: "Ўқитувчи", 1995.;
2. Тузувчи-муаллифлар: С. Очил, К.Хошимов. - Т.: "Ўқитувчи", 1999.

2.Х.Ж.Худойкулов. Замонавий педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир.-Т.: Наврўз. 2013й.

3. Р.Ишмухамедов. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т., 2005

www.ziyounet.uz,

www.idfpu.uz,

www.pedagog.uz

2.2. "Педагогик модулни" бўйича маъруза матни

Режа:

1. Илгор педагогик технологиялар ва уларнинг дидактик аҳамияти.
2. Педагогик технологияларнинг асосий вазифалари.
3. Педагогик технологияларнинг турлари.
4. Таълим технологиялари.
5. Тарбия технологиялари.
5. Педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч тушунчалар: технология, технологик ёндашув, педагогик технология, таълим технологияси, тарбия технологияси, технологик лойиҳа, шахста йўналтирилган таълим технологиялари, технологик паспорт, технологик харита, интерфаол методлар.

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1999 й.
2. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш / Қўлланма. - Тошкент: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2008 й.- 130 бет.
3. Pedagogika / Darslik. Prof. M.X.Toxtaxodjayevaning tahriri ostida. - Toshkent: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati" nashriyoti, 2010. - 400 bet.
4. Сайидахмедов Н.Янги педагогик технологиялар. - Тошкент: Молия, 2003. - 172 бет.
5. Худойкулов Х.Ж. Замонавий педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. -Тошкент.: Наврўз. 2013 й. 92-бет.

Хар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назариясининг илк ғоялари илгари сурилган даврлардаёқ мазкур назариянинг асослари ҳам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташқи) ҳамда субъектив (ички) омиллари, объектив асосий тушунчалари, мезонлари ва бошқалар ташкил этади.

Технология (يونانچа "techné" – маҳорат, санъат; "logos" – тушунча, таълимот) – ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида хомашё, материал, ярим фабрикат ва шу кабиларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш, уларнинг ҳолати, хоссалари ва шаклини ўзгартаришда қўлланиладиган усуллар (методлар) мажмуи

Юқорида қайд этилгандек, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан "педагогик технология" тушунчасига нисбатан турлича ёндошувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни "амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси" дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараёни олдидан лойиҳалашга қаратади. Н.Ф.Тальзина эса педагогик технологияни "фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан" бўлиши лозимлигини қайд этади ва ҳоказо.

Сўнгги ўн йил давомида нутқимизда "Педагогик технология", "Замонавий педагогик технология", "Ўқитиш технологияси" каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар "Таълим технологияси" ва "Педагогик технология" тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидлайдилар. Бундай ёндошув у қадар тўғри эмас. Зеро, юқорида қайд этиб ўтилганидек, таълим жараёнини технологиялаштириш ғояси дастлаб Ғарбий Европа ва АҚШда шаклланган. Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда "Педагогика" фани мавжуд эмас, шу боис "педагогик фаолият", "педагогик технология" тушунчаси ҳам истеъмолда йўқ.

Мамлакатларда шахсга илмий билимларни бериш жараёни "инсон жараёни" сифатида номланади, шахсга билимлар бериш, маълумотини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фаол мажмуи "Методика" деб юритилади. Методика фанларини асосий асосий эътибор таълим сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини таъминлаш қиратилади.

Республика Республикаси (шу жумладан, МДҲ мамлакатлари) таълим амалиётида ўқитилиб келинаётган "Педагогика" фанининг предмети шакллантириш, унинг қамолотини таъминлашга йўналтирилган ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёнининг мазмунидан иборат бўлиши, шахснинг етуқ қамолоти икки муҳим фаолият – таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнининг самараси натижаси сифатида намоён бўлади.

Шунинг "педагогик технология" ва "методика" тушунчалари бир хил маънони билдириши мумкин?

Бу ўринда Г.Н.Балло "Педагогик технология" тушунчасига таъриф берадиган ўқитиш жараёнига нисбатан толпириқли ёндошув, Л.В.Занков, Л.И.Гуревич, В.И.Давыдовлар босқичли ўқитиш, Г.К.Селевко ҳамда бошқа таълимчилар эса мазмунли умумлашма сифатида баҳолайдилар. П.Митчелнинг таълимчиларга қўра педагогик технология барча жиҳатларига қўра ўзига хос самарали натижаларни қўлга киритиш имконини берувчи педагогик тизимни ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда таълим тизими доирасида олиб борилаётган педагогик назарияси ва амалиётининг муайян тармоғидир.

Г.К.Селевко эса қуйидаги қарашни илгари суради: педагогик лойиҳага таълим жараёнини ташкил этиш усули бўлиб, у аввалдан таълим жараёни қандайдиган талабларга жавоб беради.

Шунинг мавлифларнинг ҳам ёндашувлари бир-бирларидан фарқ қилади. Маълум таълим шакллари таъминлаштириш вазифасини қўзлаган ўқитиш ва таълимнинг ўзлаштиришнинг барча жараёнини техника ва инсон таълимларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ қилиш ва шиклашнинг изчил методи (ЮНЕСКО); педагогик мақсадларга

эришиш йўлида фойдаланиладиган барча шахсий, ускунали ва методологик воситаларнинг тизимли йиғиндиси ва уларнинг амал қилиш тартиби (М.В.Кларин); таълим жараёнига нисбатан ўзига хос ёндошув; ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг педагогик ифодаси, технократик онгнинг педагогикага кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандарти (Б.Л.Фарберман); дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришиш, таълим жараёнини аввалдан лойиҳалаштириш (У.Н.Нишоналиев); ўқитувчининг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва изчилликда таъсир кўрсатиш ҳамда мазкур фаолиятнинг махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёни (Н.Саидхмедов).

“Таълим технологияси” тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “An educational technology”) – таълим жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан, таълимот маъносини англатади. Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, айти вақтда таълим технологияси тушунчасини мантикий-ғоявий жиҳатдан изоҳлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас.

Метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигида ташкил этиладиган таълим жараёнида қўйилган мақсадга эришиш усули саналади. Бироқ, ушбу тушунча ҳам тадқиқотчилар томонидан турли шарҳланади. Мас., ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро боғланган ва таълим мақсадини ҳал этишга йўналтирилган фаолиятини тартибга солувчи усул (Ю.К.Бабанский); ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш усули (Т.А.Ильина); дидактик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлиги борасидаги умумий назарий қараш ва б.ш.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз шахснинг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига ургу берамиз. Аксариyat ҳолларда эса тарбия жараёни бу борада устувор бўлиши лозим, чунки ўзида ахлоқий хислатларни намойён эта олган

инчани ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мамулининг ижобий хусусият касб этишни таъминлайди, ахлоқли инсонга таълим (билим)ни қадрай олади, зеро, ахлоқнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлик саналади, деган ғояни илгари сурамиз. Шундай экан, бу ушбу “педагогик технология” тушунчасининг қўлланилиши, шунингдек, асосий эътиборни фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина қаратилган, балки ҳам таълим, ҳам тарбия жараёнининг самардорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозимдир.

“Таълим технологияси” тушунчаси “таълим методикаси” тушунчасига яқин бўлиш кенгдир.

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий шифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бирликлдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини тавсифлайди.

Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди.

Ўқитувчининг самарали фаолият курсатишга ундавчи дарснинг методик шиймасидан фарқли ўлароқ, таълим технологияси ўқувчилар фаолиятига инсонга йўналтирилган бўлиб, у ўқувчиларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини мустакил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Педагогик технологиянинг асосий муаммоси – ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим-тарбия бериш

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожини юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (ғоявий) ҳам амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларни янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш соҳаларини пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади.

Кишилик жамияти тараққиётининг қўйи босқичларида шахсни тарбиялаш унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунки мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнини моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй бериш вазиятларида ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малака мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнида технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланган бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Табiiй равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазифаси мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир (1-плакат).

Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Гэрбий Европа, АҚШда таълим тизимини ислох қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий ҳаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Агар мазкур ғоя 30-йилларда таълим жараёнига "педагогик техника" ("таълим техникаси") тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланган бўлса, 50-йилларида таълим жараёнида техника воситаларни қўллаш "таълим технологияси" йўналишини белгиллаб берувчи омил дея эътироф этилган, 60-йилларнинг бошларида эса таълимни дастурлаш

таълим жараёнини ташкил этиш "технология" тушунчасининг моҳиятини берувчи омил сифатида қўрила бошланди (дастурий таълим ўқувчиларга таълим воситаларини алоҳида қисм ҳолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда таълимнинг ишларида тутади).

"Таълим технологияси" назариясининг шаклланиш босқичи

Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса
Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса	Ҳисса
I	XX аср 30-йиллар	Таълим технологияси – ТТ	ТТ = Птех. ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга қўмаклашувчи усул ва воситалар йиғиндиси (педагогик техника – Птех)
II	XX аср 50-йиллар	ТТ = Птех. + ТВ	таълим жараёнида техник воситаларни (ТВ) қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини индивидуallasштириш.
III	XX аср 60-йиллар	ТТ = Птех. + ТВ + ДТ + Дастурий таълим (ДТ) – таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, ўқувчилар томонидан назарий билимлар ўзлаштирилиши эҳтимоллини олдидан ташхислаш, таълим жараёни самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаларини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш	ТТ = Птех + ТВ + ДТ

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узок вақтгача давом этди. Қатор мамлакатлар – АҚШ, Англия, Япония, Германия, Италия, Франция ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида қўшнулар қилди. Таълим технологияси муаммоларини тадқиқ этиш учун таълимнинг (мас., таълим коммуникацияси ассоциацияси – 1971 йил, таълимнинг миллий кенгаши – 1967 йил) тузилиш, махсус журналлар "Таълим технологияси" ("Educational Technology") – 1961 йил, АҚШ; 1970 йил, Англия; 1965 йил, Япония; 1971 йил, Италия; "Таълим технологияси ва таълимнинг илми" – 1964 йил, Англия; "Таълим технологияси соҳасидаги таълимнинг илми" – 1965 йил, Япония) нашр этилди.

Таълим ва тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллаш муайян афзалликларга эга. Яъни технологик ёндашув орқали таълимий, педагогик, ижтимоий фаолият қирраларни очишда янги имкониятлар яратилади.

Педагогик технологияларнинг умумий моҳияти, устувор тамойиллари ва асосий вазифалари. Таълим жараёнини "технологик" ташкил этишнинг умумий мезони сифатида унинг аниқ ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлиги қабул қилинган. Бунда асосий (умумий) ва жузъий мақсадларни амалга ошириш учун муайян қонуният, жараён, тизим ҳамда унга мос амаллар мажмуи тақозо этилади. Педагогик технологиянинг воситавий йўналтирилганлиги эса унинг кенг имкониятларга эгалигини белгилаб беради.

Ўқув машғулотни учун таълим методларини танлашнинг муҳим шарти – бу ўқувчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташхислаш, уларнинг қўникма ва малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан таққослаш ҳисобланади.

Таълим жараёни ўқувчиларнинг белгиланган мақсад асосида ҳаракат қилишларини узлуксиз назорат қилишни назарда тутати.

Педагогик технология таълим мақсадига ташкилий-услубий воситалар ёрдамида эришиш мумкинлигини ифодалайди. Агар технологик тизимларда асосий эътибор билимларни узатиш ва ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар даражасини аниқлаш мақсадида назоратни йўлга қўйиш борасидаги ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлса, методлар мажмуасини танлаш асосан амалий (ёки тажриба) асосда амалга оширилади.

Таълим жараёнида педагогик технологияларни қўллаш ушбу жараёни лойиҳалаштириш имкониятини яратди.

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойиҳаси

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндашувга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилувчи ва кейинги йилларда бутун

яхон педагогикасининг тадқиқот объектига айланган ўқитувчи ҳамда ўқувчи ўртасида юзага келувчи муносабатлар мазмунини ифодалайди.

Таълим жараёнини лойиҳалашга технологик ёндашув қуйидаги асосий (босқичлардан иборат бўлади (2-плакат).

Босқичлар кетма-кетлиги ўқитувчи ҳаракаатларининг даврийлгини, такрорланиб туришини ифодалайди. Босқичларнинг бир-бирига мувофиқ равишда кетма-кет келиши ўқитувчи ҳаракатининг муайян мақсад, аниқ назорат усуллари ҳамда таълим шакли асосида бир неча маротаба такрорланиб бориши ҳисобига ниҳоясига етказилишини аңглатади.

Ўқитиш мақсадларини, баҳолаш мезонларини, таълимий шартонларни такрорий ҳосил қилиш асосида тарбиявий фаолият жараёнига ҳам педагогик технологияларни самарали тадбиқ этиш мумкин. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаштириш, яхлит жараёни қисмларга ажратиш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнидаги самарали тесқари алоқа, автоматлаштириш имкониятларини тақомиллаштириш каби муҳим таълимий муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Мазкур муаммоларни ҳал этишда мавжуд педагогик (автоматлашган ва автоматлашмаган) тажрибани инобатга олиш, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш бир қатор дидактик вазифаларни ижобий ҳал этишни тақозо қилади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйқатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча ўқувчилар билим, қўникма ва малакалари даражаларининг тенглашувига эришиш ва ҳоказолар.

Педагогик технология назариясининг марказида таълим жараёнининг раҳбари, айна вақтда, ушбу жараёнинг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчилар турадилар. Шундай экан, ушбу субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро мулоқот, уларнинг бир-бирларига нисбатан

кўрсатадиган акс таъсирлари энг замонавий талабларга жавоб бера олиш зарур.

Педагогик технологиянинг асосий тамойилларини билан бу жараён тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишга имкон яратлади. Педагогик технологиянинг дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, куйидаги айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эгадир (3-плакат).

Бир бутунлик, яхлитлик тамойили. Ушбу тамойил икки жиҳатни ўзидан акс эттиради: 1) таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти (тараққиёти) бирлиги; 2) педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эгалиги, “тизимлилиги” тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнига, ҳам умумий таълим жараёнига хосликни англатади.

Асослилик (фундаментлик) тамойили. Мазкур тамойил фанларнинг ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналиш (блокларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанларини табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун ядро, ўзақ саналувчи маълумотларга эга бўлиб, бу маълумотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, ўзлаштирилган билимларни кенгайтириб бориш йўлида таянч тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Моҳиятли ёндашув асослашнинг муҳим омили саналади. Қолаверса, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларни умумлаштиришни кўзда тутади.

Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили. Мазкур тамойил олмон педагоги А.Дистервег томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бутунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни англаш тамойили ўқувчиларга ижтимоий жамиятнинг маданий тараққиёти даражасидан келиб чиқиб таълим берилишини назарда тутди. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омили сифатида педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бутунги кунда ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳоратининг юқори даражада бўлиши билангина муваффақиятларни қўлга киритиб бўлмаслиги

қилинган. Мазкур ўринда замонавий фан ва техника имкониятлари, хусусан, мультимедия воситалари, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий ва маданий тараққиётининг эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек биз мутахассисларни ғояси етакчи ўрин тутувчи бозор унинг асослари шартига таяёрлай олишимиз лозим.

Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Таълим олинган ҳар икки тушунча ҳам лугавий жиҳатдан (юнонча “humanus” – “инсонийлик”, “humanitas” – “инсоният”), бир ўзақка эга бўлса-да, инсоннинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифода қилади. Яъни инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган фанлар инсоннинг ижтимоий фанлар (тарих, маданиятшунослик, социология, филология, филология ва б.ш.)нинг киритилишини, “инсонийлаштириш” тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни билдиради. Бошқача айтганда, инсонпарварлаштириш – бу инсон ва жамият ўртасида юзага келувчи муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг кадр-мисли, шазни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолиятнинг ташкил этиш жараёни бўлса, инсонийлаштириш “барча шартлар инсон ва унинг камолоти (тараққиёти) учун” деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга асосланган амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият мафлаатлари билан уйғун бўлишига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда педагог ўқувчилар фаолиятини авторитар (иқтисодий ҳокимлик) тарзда бошқармай, балки таълимий ҳамкорлик ғояларига асосида таълим жараёнини инсонийлаштиради ёки бошқача айтсак, таълимни инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Бу ҳолда ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил таълимда икки жиҳатни ёритишга хизмат қилади.

1) таълим муассасаларининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига ўқувчиларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим;

2) ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, таълим жараёнини ташкил этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўқитувчининг касбий ва педагогик маҳоратини ошириб боришга ва ўқувчиларни бўлажак мутахассислик фаолиятига ғуфта тайёрлаш учун замин яратаяди.

Таълимнинг узлуксизлиги тамойили. Мазкур тамойил ўқувчиларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, мавжуд сифатларнинг ҳаётий фаолият давомида такомиллашиб боришини назарда тутаяди. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, зеро, мавжуд билимлар ҳар беш-ўн йил мобайнида ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган таълимдан ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун зурур шароит яратиб беришни ифодалайди.

Фаолиятли ёндашув тамойили назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси қуйидаги икки хил маънода изоҳланади:

- а) ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар;
б) улар томонидан ўзлаштирилиб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар.

Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустаҳкамланади, шу сабабли ўқувчиларда назарий билимларни амалда қўлай олиш иқтидорини тарбиялаш лозим. Амалиётга татбиқ этилмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

Таълим технологияларидан бирининг танланлиши дарсда қайн даражадаги билим ва қўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. Бунда

ни ўқув материални ўзлаштиришнинг қуйидаги даражалари инобатта қилиниши (4-плакат).

Ўқув фаолияти изланувчан, эвристик характер касб этганда,

Юкори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим, вазиятларни тахлил қилувчи топшириқлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлар, ишчан ўйинлар каби шакллардан фойдаланиш зарур

Ўқитиштиришнинг мазкур даражасини ифода этувчи технологик жараён **педагогик технология** деб аталади.

Педагогик технологиянинг **асосий мақсади** комил шахсни шакллантириш учун пийдевор бўлган педагогик жараёни тақомиллаштириш, имонирларлаштириш, ўқувчининг мустақиллигини таъминлаш, ўқитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришини тан иборат.

Педагогик технологияни қўллашда қуйидаги **вазифалар** ҳал этилади (5-плакат).
Қўрсатилган вазифаларни ижобий ҳал этишда қуйидаги шартларга амал қилиниши лозим:

1 Мавжуд шароитларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиш.
2 Ўқувчи (тарбияланувчи)ларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда инсоний хусусиятларини ҳисобга олиш.

3 Таълим (тарбия) жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш.

4 Ўқувчи (тарбияланувчи)лар фаолиятини объектив назорат қилиш ва баҳолаш.

5 Хусусий фанларни ўқитиш жараёнида имкон қадар, албатта, самарали равишда техник воситалар имкониятидан кенг фойдаланиш.

Педагогик технологияларнинг турлари. Таълим жараёнининг дидактик имконияти қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради (6-плакат)

Педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) қучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр

холда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштириш бу айниқса, аниқ масалаларни ечилишда намоён бўлади. Шунинг учун билим кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммонинг ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши билан боғлиқдир.

Етарли даражадаги рағбат (мотивация) ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам қўзланган натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълим тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина ушбу жараёни ташкил этиш ва бошқариш йўллари тўғрисида танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишга муважассамлаштирилади:

- 1) фаолиятни бошқариш;
 - 2) ўқувчилар жамоасини бошқариш

Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришга имкон беради ҳамда фаолият макссадига қараб амалга оширилади. Шунингдек, вариантли тарзда дарс ҳолатини ўзгартриш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқаришга қўйилаётган талаб, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкил этиш қўйидаги мантикий кетма-кетлигини асослаш мумкин: дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан қўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш тизими ишлаб чиқилади. Шу асосда ўқитиш воситаларининг рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситаларининг яхлит тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни, муайян технология ишлаб чиқилади.

Таълим жараёнининг элементлари. Педагог олим В.П.Беспалько таълим технологиянинг асоси бўлган педагогик тизимнинг қуйидаги элементларидан ташкил топганлигини кўрсатиб ўтади:

- 1) ўқувчи;
 - 2) таълим-тарбиянинг макссади;
 - 3) таълим-тарбия мазмуни;
 - 4) ўқув жараёни;
 - 5) ўқитувчи ёки техник воситалар;
 - 6) таълим-тарбиянинг ташкилий шакллари.

Педагогик жараёнининг моҳияти – ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги таълим мазмунида акс этади, мазкур жараёнда педагог ўқувчига юзага келган таълим шакллари енгилга ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг асосий шакли педагогик жараёнининг тавсифи, унинг маълум мақсадга қўйилганлиги, шунингдек, шахсни шакллантириш ва тарбиялаш борасида қўлланган вазифалар билан ифодаланди. Педагог ахборотларни эълон қилиш, кўрсатиш, эслатиш, тушунча ёки маслаҳат бериш, йўналтириш, рағбатлантириш, кенгайтириш, бартараф этиш, ҳамдардлик қилиш, рағбатлантириш, қизиқиш ва ҳурматни ихор қилиш, талабчанликни қўллаб-қувватлаш каби кўринишларда ёрдам беради.

Таълим жараёни таълим технологиясининг асосини, яъни ташкил этади ҳамда таълим макссади, таълим мазмуни, ўқувчи, таълим шакли, метод, шартлари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Педагогик технологияларни қўллашда таълим жараёнини самарали ташкил қилишнинг муайян шартларига риоя қилинади. Улар:

- 1) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга бўлиш ижтимоий (ёки шахсий) эҳтиёжларнинг юзага келиши (ТЭ);
- 2) таълим олиш, муайян назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришга инсондан рағбатнинг уйғониши (ТР);

1) ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти мазмуни (ТОФ)ни белгилаш;

4) ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш (ТОФБ)ни йўлга қўйиш омилларининг мавжудлиги.

Таълим технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёнининг моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилади. Яъни, ушбу тузилма ўзда таълим жараёнининг умумий кўриниши (ташқиллий шакли ва ички моҳияти), образини ифода этади. Таълим технологиясининг функционал тузилмаси схемада қуйдагича акс этади (7-плакат).

Тарбия технологиялари. Аввал автиб ўтилгандек, “педагогик технология” тушунчаси эса ўз моҳиятига кўра педагогик фаолиятнинг энг муҳим икки жиҳати, яъни таълим ва тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этиши зарур. Бироқ, сўнгги беш йил мобайнида илғор педагогик технологиялар, педагогик фаолиятни уюштириш жараёнида улардан фойдаланиш мавзусида яратилган манбаларнинг деярли барчасида таълим жараёнининг технологиялаштириш муаммоси учун асосий объект тарзидан қабул қилинганлигини кўрсатади.

Ҳолбуки, баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлиги назарда тутилса, тарбия жараёнида ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтириш, бу жараёнида технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири эканлиги аён бўлади:

Тарбия жараёнида технологиялаштириш – аниқ мақсадга ва ижтимоий ғояга асосланган ва ўқувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташқиллий-техник жиҳатдан уюштирилиши

Таълим жараёнидан фарqli тарбия жараёнида технологиялаштиришда таълим жараёнида самарасини қисқа муддат оралиғида кўра олиш имконияти йўқ. Тарбия жараёнида ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараёнида технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндашув зарурлигини таъкид этади.

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётидан маълумки, узок йиллар мобайнида мазкур муассасада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг фаолиятининг тарбиявий тадбирларни ташкил этишга нисбатан “тарбиявий ишлар” билан белгиланган тадбирларни ўтказишга мажбурман қабилда ёндашиб келинган. Уларнинг асосий эътибори ўзлари раҳбарлик қилаётган синф таълимчиларини аввалдан тайёрланган сценарийни ёд олиш ва унга қатъий амал қилишга мажбурлаш, шунингдек, “мактаб маъмурияти ҳамда жамоаси олдида қўйилган ҳолишга йўл қўймаслик” тамойилига мувофиқ тарбиявий тадбирларни уюштиришга қаратилган эди. Эндilikда тарбиявий тадбирларнинг таълимчиларга нисбатан бундай ёндашувлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ келиши, илғор сценарий асосида муайян тадбирни ташкил этиш жараёнида унинг таълимий субъектлари бўлган ўқувчилар фаол иштирокчи ва тадбир натижасини таълимчиларнинг шахс сифатида эмас, балки оддий ижтимоий сифатида қатнашадилар. Бу ҳолда эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- 1) ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан салбий муносабат шаклланади;
- 2) ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ижодкорлик қобилиятининг тарбияланиши учун имконият яратилмайди;
- 3) ўқувчиларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг шахс сифатида қамол топишларини таъминлашга йўналтирилганлиги ҳақида эмас, балки синфнинг таълим муассасаси жамоаси олдида “сохта обрў” орттириши учун хизмат қилувчи восита эканлиги тўғрисидаги ҳулосанинг шаклланиши учун шароит юзага келади

Таълим муассасаларида ташкил этилувчи тарбиявий тадбирларга технология қўйидаги ҳолатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади.

- 1) тарбиявий тадбир мавзуси ва ғоясини ўқувчилар томонидан қабул қилинган шахсий ташаббуслар, уларнинг истакларига кўра белгиланган;
- 2) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш;

- 3) тарбиявий тадбир мазмунинда ўз ифодасини тошган ролларни мажбурий тарзда эмас, балки ўқувчиларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек қизиқишларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришилш;
- 4) тарбиявий тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эришилш;
- 5) тарбиявий тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гуруҳ ўқувчиларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш.

Муҳокама жараёнида ўқитувчи томонидан турли танбехларнинг берилишига йўл қўймастик, аксинча йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг ўқувчиларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш (кейинги тадбирни ўтказиш жараёнида уларнинг такрорланишини олдини олиш) йўлида чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда уни лойиҳалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қуйидаги босқичларда кечади:

Тарбия жараёнини лойиҳалаш босқичлари:

- 1) тарбиявий тадбир мавзусига доир материалларни йиғиш;
- 2) тарбиявий тадбир мақсади ва вазифаларини белгилаш;
- 3) тарбиявий тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш;
- 4) тарбиявий тадбир шакли, методлари ва воситаларини танлаш;
- 5) тарбиявий тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш;
- 6) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқиш;
- 7) ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (ўқувчиларни бу ҳақида хабардор қилмасдан) баҳолаш;
- 8) лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш;
- 9) тарбиявий тадбирни ташкил этиш жараёни;
- 10) тарбиявий тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва яқиний хўлоса чиқариш

Умумий ўрта таълим муассасалари амалиётида юқорида баён этилган таълимнинг инobatга олиш ва шу асосида тарбиявий тадбирларни ташкил этиш таълимнинг муваффақиятли ташкил этилишини таъминлаб қолмай, балки таълимнинг уларнинг ўтказилишига нисбатан ижобий муносабатни таъминлаштиради, маънавий-ахлоқий сифатларнинг тарбияланиши учун қўлай таълимнинг ҳосил қилади.

Шундай қилиб, бугунги кунда республика ижтимоий ҳаётига ҳам тезкор таълим оқими бевосита таъсир кўрсатмоқда. Аxbоротларни тезкор суръатда таълим қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан таълимлаштириш, ҳулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Назорат учун саволлар:

1. "Технология" тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Педагогик технология тушунчаси ЮНЕСКО томонидан қандай таърифланган?
3. "Таълим методи" ва "таълим технологиялари" тушунчалари бир хил маънони англатадими?
4. "Таълим технологияси" назарияси қандай босқичларда шаклланган?
5. Педагогик технологияларнинг устувор тамойиллари қайсылар?
6. Педагогик технологияларнинг қандай турлари мавжуд?
7. В.П.Беспалько таълим жараёнининг элементлари сифатида нималарни таърифлаган?
8. "Тарбия технологиялари" деганда нимани тушунасиз?
9. Тарбия жараёнини технологиялаштириш нима?
10. Тарбия жараёни неча босқичда лойиҳаланади?

2.3. "Педагогика" фанидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар

2.3.1. Кейслар тўплами: "Case" сўзи, лотинча "casus" - "воқеа, ҳодиса" сўзидан олинб чиққандир. Бошқача айтганда, бу тушунча ҳаётда юз берадиган амалийликлар воқеа ёки ҳодисани, аниқ бир вазиятнинг тафсилотини англатади.

Умуман олганда, кейс – стади (аниқ бир ҳолат ёки вазият), муайян жараёнда содир бўладиган ҳақиқий воқеаликни сўзлар, рақамлар, образларда ифода этишда намоён бўлади. Бундан ташқари, бў ифода таълим соҳасида, ҳодиса вазиятини тадқиқ этиш учун ишлатиладиган ахборот, стенография сифатида қўлланилади. кейс-стади ҳодиса ёки вазиятни оддий тафсилотидан фарқ ўлароқ, у ўқув материални ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ичига олади, бунга дуч келган муаммони аниқлаш ва унинг ечим йўллари излаш орқали эришилади. Кейс-стади, муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқиши зарур. Ушбу мақсадлар кенг қўллана бўлиб, ахборотлар, маълумотлар ёки тафсилотлар билан таъминлашни назарда тутадиган муайян қарашлар ёки усулларни намойиш этишда қўлланиш мумкин. "Кейс-стади" атамасини ўқитиш ва тадқиқ этиш йўналишларида қўлланганда турлича ёндашиш зарурлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Мутахассислар мазкур терминни ташкилотларни жадал ўрганиши ифодалаш ва таҳлил этиш учун ишлатадилар, унинг натижасида янги назария яратилади мавжуд назария тахшириб кўрилади, янги ечимлар аниқланади.

Кейс усул биринчи марта гарвард бизнес-актабида бўғуси адвокатларнинг амалий малакаларга ўргатишда ишлитила бошланган эди.

Вазиятлар мазмунини ва тафсилотини ифодалашнинг турли ҳаёт кўринишлари мавжуд. Кейс-стади бор-йўғи бир неча иборалардан тортиб, юзлаб варақлардаги ҳажмгажа эга бўлиши мумкин. Йирик ҳажмдаги кейс-стадида дуч бўлган тахсил олувчилар, одада кейс-стадининг тафсилоти қанчалик йирик бўлса улар шунчалик мураккаб деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри ҳулосадир – чунки кўпчилик қисқа кейслар чигалроқ бўлади. Кейсни тузишда муайян вазиятни ифодалаш учун унинг ёзма шаклидан фойдаланиш шарт эмас. Вазиятларни ифодалаш учун фотография, видеофильмлар, аудиоёзувалар ёки слайдлардан фойдаланиш мумкин. Барча ушбу воситалар тахсил олувчиларга вазиятни ҳақиқатга яқинроқ тавдалантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга ёзма шаклдаги ахборот масалан фотография шаклидага ахборотдан кўра қайта ишлаш ва таҳлил этиш учун қолайроқдир.

аниқларда фотографияларни ёзма шаклдаги ахборот билан тўлдирish зарур. Кейсларни ўрганиш тажрибаси бўлган тахсил олувчиларни ўқитишда муаммолар ахборотларидан фойдаланилган кейсларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Кейс-стади (муайян вазиятлар) индивидуиулар, шериклар, гуруҳларда, таълимларда, хаттоки бутун бир мамлакат миқёсида ўзининг таълим олувчиларига кўра назарга келувчи муаммоларни ифодалаш мумкин. Кейслар таълимнинг турли соҳаларида: бизнес, бошқарув, тиббиёт, архитектура, ҳуқуқ, ҳамда ностандарт муаммолар мажмуаси ечимни қабул қилиш муаммоларини талаб этадиган барча фанларда қўлланилиши мумкин.

"Кейс-стади" ёрдамида ўқитишда муаммолар аниқланади, ечимлар таъминлади, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ўзгича кейс-стадилар, уларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва текшириш учун кўп вақт талаб этади. Шу билан бирга тўғри тузилган ва ўқув фанга таъминланган кейс-стади, фанни ўзлаштиришда қўзланган натижаларга эришишга ёрдам беради.

Ўзгича кейс-стадилар тузишнинг қуйидаги кетма-кетлигига риоя қилиниши тавсия этилади.

Кейсни ўрганиш мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш – мазкур таълимда ўқитувчи ўқитиладиган фан бўйича тахсил олувчи ўзлаштириши зарур бўлган билим ва малакаларга ўз эътиборини қаратади. Олдин ўрганилган материал билан қўйилган мақсаднинг сўзсиз мувофиқлиги кўзда тутилган бўлиши зарур. Кейс-стадиларни тузиш ва қўллашнинг асосий принциплари таълим лавражада умумийдир.

Кейснинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ материаллар танлаш – таълимнинг материали муаммони очиб бериши лозим ва мазкур муаммо кейс таълими қўйилган мақсад ва вазифаларига мос бўлиши керак. Кейслар ҳақиқий таълимнинг аниқ тафсилотини намойиш этишлари ёки бироз муаллифни ижод қилишлардан қўшилган бўлиши мумкин. Кейслар учун маълумотлар ва таълимнинг сифатида юқорида кўрсатилганидек, газета мақолалари,

ташкilotларнинг хужжатлари, у ёки бу соҳадаги ташкilotнинг фаолияти бўйича хусусий кузатувлар, мутахассисларнинг фикри, истеъмолчиларнинг фикра, статистика қўмитаси маълумотлари, диаграмма фотохужжатлар, мультимедиа материаллари, слайдлар ва ҳ.к.хизмат қилиши мумкин.

Материалларни бирлашчи қайта ишлаш.

сонли ахборотлардан, кейс-стади мақсадларига мос келувчи, фойдалисини танлаб олинади. Кейс-стадида қўланиладиган интегралланган таҳлил, қўп шаклларга эга бўлиш мумкин. У асосан қўимча маълумотларни тармоқ ҳисоботлари, техник хужжатлар, компаниялар ҳисоботлари, шахсий тажрибалар ва ҳ.к. киритиш ва таҳлил этишдан иборат.

Кейс туруни аниқлаш. Кейс-стади тайёрлаш усули бўйича турлича бўлиши мумкин. Ёзилиш жойига кўра кейс-стадилар “майдонда” (яъни объектда-фирма ёки компанияда) ёки ўқитувчининг иш столда тайёрланиши мумкин бўлса, кейс-стадида фойдаланиладиган манбалар расмий (яъни нашр этилган) ёки норасмий (яъни дастлабки мабалардан олинган) кўринишга эга бўлса, кўрсатилган икки ўзгарувчи жамламасидан тўрт хил кейс-стади ҳосил бўлади: “кутубхона”, “нашрий”, “классик” ва “кабинет”. “Кутубхона” кейс-стадиси ташқи томондан “майдонда”ги тадқиқот натижасида тайёрланган кейс-стадига ўхшаб кетади. Уларда корхона фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситаларида (телевидения билан бирга) ва давлат бошқарув органларида (статистик, назорат, суд ва ҳ.к.) чоп этилган ахборотлар кенг миқёсда фойдаланиллади.

“Кабинет” кейс-стадилар, муаллифнинг тадқиқотлари бошқарув соҳасидаги ўқитувчилиги ва маслаҳатчилигида тўплаган бой тажрибаларига асосланadi.

Кейс мақсади ва вазифасига мувофиқ материални мослаш.

Ҳақиқий вазиятлар тафсилотини тайёрлашда, одатда компания, муассаса, ташкilot, раҳбарияти, унинг рақобатчилари олинган ахборотдан фойдаланишига тўқинлик қилиш мақсадида уларнинг манзилларни ўзгартиришини никобланишини талаб этади. Ушбу ҳолатларда тадқиқот

объектининг уйдирма номларидан фойдаланиш мумкин, кўрсаткич ва маълумотларни биров тузатиш мумкин, улар уйдирма бўлмаслиги керак, чунки вазиятнинг кўриниш тафсилоти тубдан ўзгариб ҳақиқатдан фарқ қилиши мумкин.

Масалан, даромад ҳажми ва ҳаражатнинг ҳисобий кўрсаткичи сунъий оширилса, ташкilotда маълум ҳаракатлар учун қандайдир захира мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин бўлади, аммо ҳақиқатда буни бажариб бўлмайди. Кейс муллифи, вазият тарихини ўрганишни таклиф этиши мумкин, яъни ушбу вазият қўйилган ўқув мақсадлари талабларига мосқилиши керак.

Кейс матни ва унга қўйиладиган саволларини техник тузиш. Ҳақиқий вазиятларнинг тафсилотидан ташқари, изчиллик билан ҳақиқатга яқин вазиятни тасвирлаш тажрибасига эга бўлган муаллифнинг ижодий ҳаёти асосида ҳам вазиятни ифодалаш мумкин. Аммо, кўпчилик ҳолларда бундай кейслар таҳсил олувчиларга ёқмайди, улар ҳақиқий, чуқур маънога эга бўлган, аниқ ва тўлиқ ахборотларни талаб этадилар. Улар энг аввало ҳақиқий вазиятга ўзларининг фойдали ва бу жараёнларга тегишли эканлигини ҳис этишни хоҳлайдилар, ўз билим ва малакасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Кейс усулини қўллаш билан машқлар бажаришни фарқлай олиш керак. Машқларни бажариш юзаки тафсилоти ҳақиқий ёки уйдирма бўлган воқеани эслатиш мумкин. Аммо, машқни бажариш мақсади билан кейс-стади тадқиқотлари турлидир. Математик кўринишдаги мисол, масала, машқлар таҳсил олувчиларни махсус концепция, техника ёки принципини қўллашни ўрганиш учун материал ҳисобланадилар. Вазият эса таҳсил олувчиларга кенг камровли малакаларни эгаллашга ёрдам бериш учун қўлланилади. Машқ ёки масалани бажаришда битта ечим ва бу ечимнинг битта йўли мавжуд бўлади, вазиятда эса жуда кўп ечим ва ечимнинг муқобил йўлчалари мавжуддир.

Вазиятни шундай ифодалаш мумкинки у таҳсил олувчиларга махсус аналитик усулини қўллаш ёки муаммога махсус усул билан яқинлашиш имкониятини яратсин. Кейс усулнинг асосий вазифаси-бу таҳсил олувчиларни тарқиблаштирилмаган муаммолар мажмуасини ечишни ўргатишдан иборат,

Кейснинг иккинчи ўқуви, анча диққат ва эътиборли бўлиши лозим, у тезлиги эса ўқилганга нисбатан англашни амалга ошириш орқали белгиланади. Катта кейс-стади учун бу икки соатдан тўрт соатгача давом эттирилади. Кейс-стадининг тахлил айнан шу боқичда баҳоланади. Бунинг учун тахсил олувчи барча муҳим далилларни тахлил этиши ва уларни баҳолаш ажратиш лозим. Тахлил, далилларни топиш, муаммо қисмларини ҳамда улар ўзaro боғлиқлигини аниқлашни ўз ичига олади. Самарали тахлил жараёнида унганча кўзга ташланмаган баъзи бир янги ходисалар (нарсалар) аниқлаш мумкин. Далил ва воқеалар тахлил тахсил олувчиларга ўз қарорларини тасдиқлаш учун ёрдам бериш керак. Бу тахсил олвчидан оригиналлик ва иш талаб қилади. Кўпчилик ҳолларда тахсил олувчилар тахлил ўрнига далил воқеаларни баҳолашга ўтиб кетадилар. Аммо ҳақиқий баҳолаш фақат тахсилдан сўнггина амалга оширилиши мумкин.

Тахсил олувчи иккинчи ўқиш давомида муаммога етиб бориши керак даража фарз этилади. Бу осон иш эмас. Тахсил олувчи, муаммо истак ва натижа орасидаги номувофиқликда эканлиги тушуниши лозим. Муаммолар факт моддий асосга (корхона, машиналар, пуллар, баҳолаш ва бошқалар) эга бўлиши мумкин эмас. Улар доимо инсон ва унинг ҳатти – ҳаракати билан боғлиқ бўладилар. Бу кўпчилик ҳолларда ташкилот раҳбарига тегишли агар у кейс-стади “ҳаҳрамон” сифатида намоён бўлса, иккинчи ўқиш тахсил олвчи ўқитувчи баҳолайдиган яъни қабул қилинадиган ечимнинг асосланганлигини таъминлайди. Бунинг учун тахсил олувчи далил ва воқеалар кетма-кетлигини иборат занжир тузиши зарур. Ундан ташқари у схема ва жадвалларни диққат билан кузатиб, уларда тушунтирилмаган вазиятларни, ибораларни тола олиш керак.

Кейс-стадини учинчи ўқиши якуний ҳисобланади. Буни машғулотдан олдинги кунинг кечаси бажариш яхшидир. Кейс-стадини аввал бошланғич ўқиш, сўнг охиридан бошлаб ҳаммасини олдинга “қайтариб” далил ва воқеаларни кичик гуруҳда муҳокама қилгандан кейин, қайта текшириш ва аниқлаш фойдадан холи бўлмайди.

Кейс-стади билан ишлашнинг ушбу босқичи, кейс-стадининг жиддий таҳлилий таҳлилдан ва ушбу таҳлилни аудиторияда тақдим этишнинг самаралилигини аниқлашдан иборат. Шунини таъкидлаш лозимки, кўпчилик ҳолларда кейс-стади муҳокамаси муаммо, муқобил ечимлар ва тавсиялар атрофида бўлади. Кейс лойиҳасини биринчи муҳокамасида ўқитувчи тахсил олувчининг бир бир босқичда сарф этган вақтини қайд этади. Кўшимча ахборотлар билан таҳлилнинг мураккаблиги, уни ўқиш қийинчиликлари, режалаштирилган таҳлил на малакаларни ўзлаштиришдаги фидолилик даражасини аниқлайди. Шу билан бирга фан бўйича режалаштирилган мавзуларнинг кейс лойиҳасида тўла қамрига олинганлиги текширилади.

Кейс матнининг охириги кўринишини шакллантириш (босқичларнинг йўриқнома билан биргаликда). Ушбу босқичда апробация натижалари кўриб чиқилган камчиликларни ҳисобга олиб кейснинг тузатишган матни шакллантирилади. Кейс устида тахсил олувчилар билан ишни ташкил этиш услубини таъминлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу услубиёт келажақда ўқитувчи муаммолар учун жуда фойдали бўлади.

Кейслар учун улар турининг жуда кўпчилиги ҳосилдир. Кейсларнинг турини бўйича таснифлашни 9-жадвалда тақдим этилган.


9-жадвал

Тинловлик белгилари	Кейс тур
Асосий манбалари	1. Табиий шароитдаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
Сўжет мавжудлиги	1. Сўжетли 2. Сўжетсиз
Назариёт баённинг нақддаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқата қайтарилган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектлик
Материални тақдим этиш усули	1. Ҳикоя 2. Эссе 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист тергов 5. Ҳисобот

	6. Очерк 7. Фактлар мажмуи 8. Статистик материаллар мажмуи 9. Хужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи
Ҳажми	1. Қисқа (қўнда) 2. Уртача миқдордаги 3. Катта (ўзун)
Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	1. Тузилмаданган 2. Тузилмаданмаган
Ўқув тошпириғини тақдим этиш усули	1. Саволли 2. Кейс-тошпирик
Дидактик мақсадлари	1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш 2. Тренингли, ўқув мавзуси/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи 5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янги баҳолаш услублари ва шу қабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи
Расмийлаштириш усули	1. Босма 2. Электрон 3. Видео-кейс 4. Аудио-кейс 5. Мультимедиа-кейс

Кейсларнинг (шу ўринда ва кейинчалик - кейсни ишлаб чиқувчи) вазифаси кейс турининг қўйилган дидактик мақсадларни оптимал амал оширишга имкон берадиган ўзига хос хусусиятларини танлаш ва қўллаш иборат.

Кейсларнинг турли манбалари: Кейс интеллектуал маҳсулот сифати ўз манбаларига эгадир. Уларни чизмалар тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:



Расм. Интеллектуал маҳсулот сифатидаги кейсларнинг асосий манбалари
Социум кейсларнинг манбаидир, деган фикр ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслиги аниқ. Фақат унинг кейсларнинг мазмунини ва шаклини қай даражада

қилини белгилаб бериши мумкинлиги ҳақида турлича фикр бўлиши мумкин. Биринчи ҳаёт бутун турли-туманлиги билан кейс сюжети, муаммолари ва таълим базасининг манбаи бўлади. Таълим ва тарбиянинг кейсда қилини мақсадлари ва вазифалари, шунингдек таълим технологиясини қилинидан таълим яна бир манбаидир.

Фан кейсларнинг учинчи манбаидир. У таҳлилий фаолият ва бир тизимли билан белгиланадиган иккита асосий методологияни, шунингдек қилини ҳал этиш жараёнида қўлланиладиган бошқа илмий услубларни беради.

Қилинида кейс детерминацияси асосий манбаларининг ўзаро нисбати бир на тенг томонли учбурчак сифатида тақдим этилган. Бу барча қилинининг тенг аҳамиятли эканлигининг идеал ва анча кам учрайдиган қилини - детерминантдир. Кейсларни қилинининг реал амалиётида бундай ҳолат қилини кам учрайди. Қилинича манбалардан бирининг устуңлик қилини қилиниди. Чизма шаклида олганда манба ролини учбурчак бурчагининг қилини тарзида тасаввур этиш мумкин. Бунда бурчак қанчалик тўғроқроқ қилини, тегишли манба таъсири шунчалик кўпроқ бўлади. Ўткир қирралар қилинича манбаининг минимал таъсирини акс эттиради.

Ушбу ёндашув кейсларни асосий манбалари бўйича таснифлашга асос қилини мумкин. Бу ерда қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) **ҳаётий кейслар** - мутлақо реал ҳаётий вазиятларни акс эттиради;
- 2) **кабинетдаги кейслар** - кейсолог моделлаштирган амалий вазиятни ўз қилини олади;
- 3) **илмий-тадқиқотчилик кейслари** - тадқиқотчилик фаолиятини амалга қилинишга йўналтирилган.

Ҳаётий кейсларнинг асосий вазифаси ҳаётий вазиятни батафсил ва тўлиқ қилиништиришдан иборат. Ўз моҳиятига кўра, бундай кейс вазиятнинг амалий, қилини «харакатдаги» моделини яратади. Бунда бундай кейсларнинг ўқув мақсади қилини олувчилар тренинги, ушбу вазиятдаги билимлар, қилиниятлар ва феъл-қилинир (қарорлар қабул қилиш) қилиниқмаларини мустаҳкамлашдан иборат қилиниди. Бундай кейслар мақсимал кўрғазмалар ва батафсил бўлиши керак.

Уларнинг асосий мазмунни ҳаётни билиш ва оптимал фаолиятга қобилиятларни ҳосил қилишдир.

Гарчи ҳар бир кейс таълим берувчи функцияни бажарса-да, лекин уларнинг барча қирраларининг турли кейсларда акс этиши дараси турличадир. Кўпроқ таълим берувчи функцияни бажарадиган, ҳаётни бошқачароқ акс эттирадиган кейс кабинетдаги кейс дейилади.

Биринчидан, у ҳаётда кўпроқ учрайдиган ва мутахассис ўзининг касб фаолиятида дуч келадиган типовой вазиятларни акс эттиради. Иккинчидан, таълим берувчи кейсда ўқув топшириқлари биринчи ўринда турадики, бу у акс этидиган ҳаётнинг анча шартлилик элементига эга бўлишини олдин белгилайди. Бу ердаги вазият, муаммо ва сюжет ҳаётда бўладигани каби касб этади. Улар сунъийлиги билан тавсифланади ва энг муҳим ва ҳаёт ҳаётини деталлар конгломератидан иборат бўлади. Бундай кейс вазиятлар типиклигини кўришга имкон беради ва вазиятнинг амалиётдаги шунга ўхшаш вариантни қўллаш орқали таҳлил қилиш қобилиятини олдиндан белги беради.

Илмий-тадқиқотчилик кейси учун ҳам шундай хусусиятлар ҳосил Унинг асосий мазмунни шундаки, у вазият ва ундаги феъл-атвор ҳақидаги яна билимни олиш учун модел бўлиб хизмат қилади. Унинг таълим берувчи функцияси моделлаштириш услубини қўллаш орқали илмий тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат. Ушбу кейс тадқиқотчилик модел яратиб тамоийллари бўйича қурилади. Шунинг учун уни кўпроқ магистратурада, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги таълимда қўлланиш маъқулдир.

Бундай кейсда тадқиқотчилик функциясининг устунлик қилиши у илмий-тадқиқотчилик фаолиятида анча самарали қўллашга имкон беради.

Кейснинг юқорида ажратиб кўрсатилган манбаларини асосий, базавий ва ёрдамчи манбалар деб аташ лозим, чунки улар кейсларга таълим кўрсатишнинг энг моҳиятли омилларини белгилайди.

Объектга қараб кейслар турлари: Вазият объектга қараб кейслар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- *Шахсларга оид кейс*, унда аниқ субъектлар: менежерлар, сиёсатчилар, биринчир амал қиладилар.

- *Таълимий-институционал кейс* - унинг объекти институционал таълимнинг: таъкилотлар, фирмалар, компаниялар, корхоналар ва уларнинг амалилари бўлиши билан фарқланади.

- *Қўн объектли кейс* - одатда бир неча ҳаракат қилувчи объектларни ўз ичига олади.

Таълимчиларни етказишнинг жанрга хос хусусиятларига қараб кейс қуйидаги турларнинг бири шаклида тақдим этилиши мумкин:

- ҳикоя, эссе; таҳлилий ёзма; журналист тергов; ҳисобот;
- очерк; фактлар мажмуи; статистик материаллар мажмуи;
- ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи.

Кейслар катталигига қараб уч турда бўлади:

- *қиска (лўнда) кейс*; ўртача миқдордаги кейс; катта (узун) кейс.

Кейснинг катталиги унинг ҳажмига боғлиқ бўлади ва уни таҳлил этиш учун шундай ўқув вақтини белгилайди.

